



ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖЛИКЛАР ИМЗОЛАРИ БЎЙИЧА ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ.

Собиров Фуркат Бахромбой ўғли

ИИВ Академияси криминалистик экспертизалар
кафедраси бошлиғи ўринбосари ю.ф.б.ф.д. (PHD)

E-mail: farhodsobirov6602@mail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11119525>

ARTICLE INFO

Received: 27th April 2024

Accepted: 29th April 2024

Published: 6th May 2024

KEYWORDS

тадқиқот, имзо, суд-
хатшунослик экспертизаси,
суд-эксперти, эксперт
хулосаси.

ABSTRACT

Мазкур мақолада хорижликлар имзолари билан боғлиқ экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлили, шунингдек, мазкур турдаги экспертизаларни ўтказиш жараёнида юзага келётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига асосланган таклифлар келтириб ўтилган

Сўнги йилларда хорижларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси томонидан берилган маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 9 ойи давомида 1646 нафар чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар турган жойи бўйича доимий рўйхатга олинган. Ушбу кўрсаткич 2022 йилнинг 9 ойи давомида 1821 нафарни ташкил этган. Уларнинг хар бирига чет эл фуқароси учун мўлжалланган яшаш гувоҳномаси ID-карталар расмийлаштириб берилган [1].

Бу ўсиш суратлари бежизга эмас, зеро мамлакатимиз тинч, иқлими қулай, табиий бойликларга бой ҳамда ишчи кучи етарли бўлган, дунёдаги саноқли мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу эса хар бир мароқли дам олишни хоҳлаган хорижлик турист ёки ишбилармон тадбиркорнинг орзусидир.

Мамлакатимизга чет эл фуқароларининг оқими кўпаяркан, улар билан боғлиқ жиноят ва ҳодисалар ҳам хоҳлаймизми йўқми ортиши табиий. Содир этилган жиноят ва ҳодисаларни сифатли тергов қилиниши ҳамда айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашда суд экспертларининг илмий асосланган хулосаларининг ўрни айниқса аҳамиятлидир [2, б.159].

Статистик маълумотлардан бугунги кунга келиб, хорижликлар билан боғлиқ экспертиза тайинланиш ҳолатлари ортганлигини кўриш мумкин. Буни анъанавий экспертиза тадқиқотлари ичида тайинланиш жиҳатдан етакчи ҳисобланган хатшунослик экспертизаси мисолида кўриб чиқиладиган бўлинса, қуйидагича ҳолат юзага келишини кўриш мумкин: ИИВ ЭКБМ ва унинг худудий ИИО ЭКМ экспертлари томонидан 2021 йилнинг 12 ойи давомида 12 та хорижликлар билан боғлиқ экспертиза

тадқиқотлари ўтказилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2022 йилнинг 12 ойи давомида 17 тани ташкил этган [3].

Хорижликлар имзолари юзасидан экспертиза тайинланиш ҳолатлари ортар экан, табиийки айти шу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш заруриятини кун тартибига қўяди. Хорижликлар имзоларини ўрганиш ва уларнинг алоҳида хусусиятларини тадқиқ этишдан асосий кўзланган мақсад бу – хорижликлар имзолари бўйича ўтказилиши мумкин бўлган хатшунослик экспертизасининг ҳуқуқий ва методик асосларини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Дунёда мамлакатлар кўп ва бу мамлакатларнинг ҳар бирида тил маданият турлича бўлиб, аксарият йўналишларда давлатлар бир-биридан фарқ қилади. Хатшунослик экспертизасида дунё мамлакатлари имзоларини француз тадқиқотчиси Лахиан Адил [4, б.18], рус тадқиқотчилари П.М.Кашманов, М.П.Кашманов ҳамда Н.А.Вилковалар [5, б.27] ўзларининг илмий изланишлари давомида қисман ўрганишган. Шунингдек, М.А.Алоян персид тилида [6, б.25], В.Ю.Владимиров, С.А.Садыков ва З.К.Жуманбеклар [7, б.92] қозоқ тилида бажарилган қўлёзма имзоларни тадқиқ этишнинг хусусиятлари тўғрисида ўз илмий қарашларини келтириб ўтишган.

Юқорида келтириб ўтилган статистик маълумотлардан бугунги кунда мамлакатимизда хорижликлар имзолари юзасидан экспертиза тайинланиш ҳолатларининг ортганини кўриш мумкин. Хорижликлар имзоларини ўрганиш ва уларнинг алоҳида хусусиятларини тадқиқ этишдан асосий кўзланган мақсад бу – хорижликлар имзолари бўйича ўтказилиши мумкин бўлган хатшунослик экспертизасининг ҳуқуқий ва методик асосларини мустаҳкамлаш ҳисобланади. Шу ўринда мамлакатимизда амалда бўлиб турган

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва имзоларни идентификация қилиш методикалари хорижликлар имзоларини тўла тўқис тадқиқ этиш имконини берадими деган ўринли савол туғилиши мумкин.

Мазкур саволга “ҳа” амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва имзоларни идентификация қилиш методикалари хорижликлар имзоларини деярли тўлиқ равишда тадқиқ этиш имконини беради деган мазмунда жавоб бериш мумкин. Бироқ, бу мазкур йўналишда муаммолар йўқлигини билдирмайди. Зеро, мазкур соҳада ҳам хатшунослик назарияси ва миллий қонунчилик ҳужжатларимизга киритилиши лозим бўлган ўзгаришлар етарлича.

Эксперт хорижликлар имзоларини тўлиқ ва сифатли тадқиқ этиши учун унга мутахассис ёрдами зарур бўлади. Экспертнинг мутахассис ёрдамидан фойдаланиши мумкинлиги масаласи бўйича миллий қонунчилик ҳужжатларимизда икки хил қараш мавжуд.

Фикримизча, экспертнинг мутахассис ёрдамидан фойдаланиши мумкинлиги тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларимизда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 69-моддасига қуйидаги кўринишда янги банд сифатида киритиш мақсадга мувофиқ:

Эксперт ўзи бажараётган экспертизани ўтказиш заруриятидан келиб чиқиб суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга мутахассис чакирилишни сўраб илтимоснома киритиши мумкин.

Мазкур банднинг киритилиши натижасида аввало, Ўзбекистон Республикаси ЖПК ва “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунлари ўртасида бир-бирига нисбатан зид тушунчалар баргараф этилишига ҳамда хорижликлар имзоларини тадқиқ этиш

жараёнида экспертиза хулосаларининг объективлигини таъминлашга эришилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Мигрpatsiя ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи полковник У.Муҳамедовдан интервью // [http:// https://uza.uz/uz/posts/horizh-fuqarolari-ozbekistonga-qanday-maqsadda-kirib-kelmoqda 420287](http://https://uza.uz/uz/posts/horizh-fuqarolari-ozbekistonga-qanday-maqsadda-kirib-kelmoqda-420287).
2. Бобовкин М.В., Данилкина В.М. Актуальные вопросы теории судебно-почерковедческой экспертизы рукописей, выполненных сходными почерками.// Материалы V Международной научно-практической конференции по криминалистике и судебной экспертизе «Криминалистические средства и методы в раскрытии и расследовании преступлений» 2-3 марта 2011 года. – М.: ЭКЦ МВД России, 2011. – С.159.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМнинг 2022 йил яқунлари бўйича ҳисоботи // 21/38 Т.2023
4. Lahyane Adil Vérification des signatures manuscrites // 2002 С.15
5. Кашманов П.М., Кашманов М.П., Вилкова Н.А. “Служебный” вариант подписи-гарантия ее как полноценного реквизита документа” // Эксперт-криминалист журнал 3/2014 // М.2014 – С.21-23.
6. Алоян М.А. Особенности почерковедческих экспертиз рукописей и подписей выполненных на персидском языке // Теоритические и прикладные аспекты использования специальных знаний в уголовном и гражданском судопроизводстве Выпуск 6 // М.2022-С.25.
7. Владимиров В. Ю., Садыков С. А., Жуманбек З. К. Особенности судебно-почерковедческого исследования рукописей, выполненных на казахском языке с использованием латинской графики в переходный период// Теоритические и прикладные аспекты использования специальных знаний в уголовном и гражданском судопроизводстве Выпуск 6 // М.2022-С.92